

ШАХСГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАРНИНГ СИЗДИРИЛИШИ НАТИЖАСИДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАР УЧУН ОПЕРАТОРЛАРНИНГ ФУҚАРОВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

Кулдашев Нуриддин Абдуганиевич

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси профессори, ю.ф.д., профессор

Қурбонов Дониёр Давлат ўғли

Ш.Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети

юримдик факультети ўқитувчиси

DOI: 10.5281/zenodo.22705428

Received: 1 September 2026 | Accepted: 10 September 2026 | Published: 11 September 2026

АННОТАЦИЯ:

Мазкур мақолада шахсга доир маълумотлар сиздирилиши (data breach) оқибатида шахсга етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаш масалалари фуқаролик-ҳуқуқий нуктаи назардан тадқиқ этилган. Шахсга доир маълумотларни қайта ишловчи операторларнинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигини белгилашда деликт жавобгарлигининг анъанавий элементлари — ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик), зарар, сабабий боғланиш ва айбнинг рақамли муҳитда намоён бўлиш хусусиятлари таҳлил қилинган. Шунингдек, маълумотлар сиздирилиши ҳолатларида айбга асосланган жавобгарлик ва қатъий (айбсиз) жавобгарлик моделларининг афзаллик ва камчиликлари қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан кўриб чиқилган. Тадқиқот натижасида жабрланувчининг оператор ахборот тизимининг ички техник ҳолатини мустақил равишда исботлай олмаслиги муносабати билан исботлаш мажбуриятини энгиллаштириш, операторнинг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги мажбуриятларини бузиши билан зарар ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлашнинг махсус қоидаларини белгилаш зарурлиги асосланади. Мақола якунида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шахсга доир маълумотлар сиздирилиши натижасида етказилган зарарни қоплашга оид махсус норма киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР:

кибермакон, шахсга доир маълумотлар, маълумотлар сиздирилиши, оператор, деликт мажбурияти, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик, айб, сабабий боғланиш, моддий зарар, маънавий зарар, айбсиз жавобгарлик.

Рақамли иқтисодиётнинг жадал ривожланиши натижасида давлат органлари, банклар, чакана савдо ташкилотлари, тиббиёт муассасалари, телекоммуникация компаниялари ва рақамли платформалар томонидан жисмоний шахсларга тегишли катта ҳажмдаги маълумотлар тўпланиши, сақланиши ва

қайта ишланиши кенгайиб бормокда. Бундай маълумотлар таркибига шахсни идентификация қилувчи маълумотлар билан бир қаторда молиявий, тиббий, биометрик ва бошқа шахсий маълумотлар ҳам кириши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Қонуни оператор ва мулкдор зиммасига шахсга доир маълумотларга ишлов бериш соҳасида қонунчилик талабларига риоя этиш, зарур ахборотни тақдим этиш ва маълумотларга ишлов бериш мақсадларига мувофиқ тегишли чораларни кўриш каби мажбуриятларни юклайди [1]. Ушбу қонуннинг 30-моддасига мувофиқ, шахсга доир маълумотлар субъекти ўзининг шахсга доир маълумотларига нисбатан ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан ваколатли давлат органига ёки судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга [1].

Шу билан бирга, шахсга доир маълумотларнинг киберхужум, ахборот тизимидаги техник камчилик, инсон омили ёки хавфсизлик чораларининг етарли эмаслиги натижасида сиздирилиши нафақат ахборот хавфсизлиги, балки фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик масаласини ҳам келтириб чиқаради. Бунда асосий муаммо жабрланувчига етказилган зарарни аниқлаш ва уни қоплашнинг самарали ҳуқуқий механизмини таъминлашдан иборат.

Классик деликт ҳуқуқида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг асосий элементлари сифатида ғайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлик, зарар, сабабий боғланиш ва айб ажратилади. Шахсга доир маълумотларнинг сиздирилиши билан боғлиқ низоларда мазкур элементларнинг ҳар бири рақамли муҳитнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда баҳолалиши лозим.

Шахсга доир маълумотларнинг сиздирилиши билан боғлиқ жавобгарликнинг биринчи шarti оператор томонидан қонунчиликда белгиланган мажбуриятларни бузиш ҳисобланади. Бунда ғайриқонунийлик нафақат маълумотларни қасддан ошкор қилиш ёки улардан ғайриқонуний фойдаланишда, балки операторнинг зарур эҳтиёт чораларини кўрмаганлигида ҳам намоён бўлиши мумкин. Масалан, ахборот тизимларини ўз

вақтида янгиласлик, маълум бўлган хавфсизлик камчиликларини бартараф этмаслик, маълумотларга кириш ҳуқуқларини етарлича чекласлик, ходимларнинг ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этишини таъминласлик каби ҳолатлар муайян шароитларда ғайриқонуний ҳаракатсизлик сифатида баҳоланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Қонуни 19-моддасида оператор шахсга доир маълумотларга ишлов беришда қонунчилик талабларига риоя қилиши шартлиги белгиланган [1]. Демак, операторнинг жавобгарлиги фақат маълумот сиздирилган факти билан эмас, балки унинг маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича зиммасига юкланган ҳуқуқий мажбуриятларни бажарган ёки бажармаганлиги билан ҳам боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, суд оператордан ахборот тизимидаги барча техник жараёнларнинг мутлақ хавфсизлигини таъминлашни талаб қилиши эмас, балки муайян ҳолатда ундан оқилона ва қонунчиликда талаб этилган хавфсизлик чораларини кўришни кутиш мумкин бўлган-бўлмаганлигини аниқлаши лозим.

Шахсга доир маълумотлар сиздирилиши натижасида етказилган зарарнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унинг оқибати ҳар доим ҳам маълумот сиздирилган вақтнинг ўзида намоён бўлмайди. Масалан, шахснинг паспорт маълумотлари, телефон рақами ёки банкка оид маълумотлари сиздирилган бўлса, дастлаб унга ҳеч қандай бевосита моддий зарар етмаган бўлиши мумкин. Бироқ кейинчалик ушбу маълумотлардан фирибгарлик, банк операцияларини амалга ошириш, кредит расмийлаштириш ёки бошқа ғайриқонуний мақсадларда фойдаланилиши натижасида мулкӣ зарар юзага келиши эҳтимоли мавжуд. Бундан ташқари, шахсга доир маълумотларнинг сиздирилиши шахсий ҳаёт дахлсизлиги, шахснинг ўз маълумотлари устидан назорати ва бошқа шахсий номулкий ҳуқуқларига дахл қилиши мумкин. Шу сабабли бундай ҳолатларда маънавий зарар масаласи ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Шу ўринда таъкидлаш ўринлики маълумотларнинг сиздирилиши фактининг ўзи автоматик равишда маънавий зарар мавжудлигини англатади, деган ёндашувни эҳтиёткорлик билан баҳолаш лозим. Қиёсий-ҳуқуқий амалиётда, жумладан Европа Иттифоқи Суди амалиётида, ҳуқуқбузарлик, зарар ва улар ўртасидаги сабабий боғланиш компенсация ҳуқуқининг алоҳида шартлари сифатида қаралади [3; 4]. Шу билан бирга, номоддий зарарни исботлашда шахснинг маълумотлар устидан назоратини йўқотиши, маълумотлардан кейинчалик нотўғри фойдаланилишидан асосли кўркуви ва бошқа салбий психологик оқибатлар ҳам баҳоланиши мумкин [4].

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига кўра, маънавий зарар пул билан қопланади ва унинг миқдори жабрланувчининг жисмоний ҳамда маънавий азобларининг хусусияти, шунингдек ишнинг бошқа ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади [5]. Шу сабабли шахсга доир маълумотларнинг сиздирилиши билан боғлиқ низоларда маънавий зарарни баҳолашда

маълумотларнинг хусусияти, уларнинг қанча миқдорда ва қайси доирада тарқалгани, маълумотлардан нотўғри фойдаланиш хавфи ва шахсга таъсири каби ҳолатлар инобатга олиниши мақсадга мувофиқ.

Кибермаконда деликт жавобгарлигининг энг мураккаб элементларидан бири зарар билан операторнинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлаш ҳисобланади. Одатда маълумотларнинг сиздирилиши бир нечта босқичдан иборат бўлади: оператор ахборот тизимида хавфсизлик камчилиги мавжуд бўлади; ушбу камчилик натижасида учинчи шахслар маълумотларга эга бўлади; кейин эса мазкур маълумотлардан фойдаланиш натижасида шахсга моддий ёки номоддий зарар етказилади. Шу сабабли суд томонидан «маълумот сиздирилди» деган фактнинг ўзи билан чекланиб қолмасдан, операторнинг мажбуриятни бузиши, маълумотларнинг сиздирилиши ва зарар ўртасидаги сабабий занжирни аниқлаш зарур.

Европа Иттифоқи Суди GDPRнинг 82-моддаси бўйича компенсация талабида ҳуқуқбузарлик, ҳақиқий зарар ва улар ўртасидаги сабабий боғланиш кумулятив шартлар эканини таъкидлаган [3; 4]. Бу ёндашув киберделиктлар бўйича миллий ҳуқуқий механизмни ишлаб чиқишда ҳам эътиборга олиниши мумкин. Бироқ мазкур муносабатларда ахборот асимметрияси (томонлар тенгсизлиги) мавжуд. Жабрланувчи операторнинг серверлари, дастурий таъминоти, ички журналлари, хавфсизлик протоколлари ва техник ҳимоя чоралари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлмайди. Аксинча, ушбу маълумотларнинг барчаси операторнинг назоратида бўлади. Шунинг учун процессуал жиҳатдан жабрланувчига маълумот сиздирилгани ва зарар юзага келганини дастлабки даражада асослаш имкониятини бериб, оператор зиммасига ахборот тизимида зарур хавфсизлик чоралари кўрилганини тасдиқлаш мажбуриятини юклаш мақсадга мувофиқ.

Классик деликт жавобгарлигида айб муҳим элементлардан бири ҳисобланади. Операторнинг айби қасд ёки эҳтиётсизлик шаклида намоён бўлиши мумкин. Масалан, оператор маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича муайян хавф мавжудлигини билган ҳолда зарур чораларни атайлаб кўрмаса, қасдга яқин ҳолат юзага келиши мумкин. Хавфсизлик дастурларини ўз вақтида янгиласлик, маълум бўлган техник камчиликларни бартараф этмаслик, кириш ҳуқуқларини назорат қилмаслик каби ҳолатлар эса эҳтиётсизлик сифатида баҳоланиши мумкин.

Бироқ рақамли муҳитда айбни жабрланувчи томонидан исботлаш анъанавий деликтларга нисбатан анча мураккаб. Чунки операторнинг қайси техник чорани кўрмаганлиги, қайси хавфсизлик стандартини бузганлиги ва бу камчиликнинг маълумотлар сиздирилишига қандай таъсир қилганини кўп ҳолларда фақат операторнинг ички техник ҳужжатлари орқали аниқлаш мумкин. Шу сабабли мазкур соҳада айбни исботлаш қондасини жабрланувчи учун енгиллаштириш зарурати мавжуд.

Шахсга доир маълумотлар сиздирилиши натижасида операторнинг жавобгарлиги қандай моделга асосланиши кераклиги борасида икки асосий

ёндашувни ажратиш мумкин. Биринчи ёндашув — айбга асосланган жавобгарлик. Унга кўра, оператор фақат унинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлигида айб мавжудлиги аниқланган тақдирдагина жавобгар бўлиши лозим. Бу ёндашув операторни ҳар қандай ташқи киберҳужум учун автоматик равишда жавобгар қилишнинг олдини олади ва унинг реал имкониятларини ҳисобга олишга имкон беради. Иккинчи ёндашув — қатъий (айбсиз) жавобгарлик. Унга кўра, маълумотларни катта ҳажмда тўплаш, сақлаш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи оператор маълумотлар хавфсизлиги билан боғлиқ хавфни ҳам ўз зиммасига олиши лозим.

Бироқ қатъий жавобгарлик моделини танлаш автоматик равишда ягона ва энг самарали ечим деб баҳоланиши мумкин эмас. Jun ва Kim томонидан 2024 йилда ўтказилган тадқиқотда data breach ҳолатларида strict liability ва negligence моделлари қиёсланиб, айрим шароитларда negligence модели strict liabilityга нисбатан самаралироқ бўлиши мумкинлиги кўрсатилган [2]. Муаллифлар бунга маълумотлар сиздирилиши билан боғлиқ ижобий ва салбий ташқи таъсирлар ҳамда операторнинг хавфсизликка сарфлайдиган ресурслари ўртасидаги мураккаб муносабатлар сабаб бўлишини асослайди [2].

Шунинг учун Ўзбекистон учун энг мақбул ёндашув операторни ҳар қандай ҳолатда мутлақ ва чекланмаган тарзда жавобгар қилиш эмас, балки шахсга доир маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш мажбуриятини кучайтириш, жабрланувчининг исботлаш юкини енгиллаштириш ва операторга ўзининг зарур хавфсизлик чораларини кўрганини исботлаш имкониятини беришдан иборат бўлиши мумкин. Бундай ёндашув фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг компенсацион хусусиятини сақлаб қолган ҳолда, операторнинг профессионал хавфни бошқариш мажбуриятини кучайтиради.

Европа Иттифоқининг GDPR 82-моддаси шахсга доир маълумотларни қайта ишлаш натижасида моддий ёки номоддий зарар кўрган шахсга компенсация талаб қилиш ҳуқуқини беради. Унда контроллер ва процессорларнинг жавобгарлиги, шунингдек бир нечта субъектлар иштирок этган ҳолатларда жавобгарликни тақсимлаш қоидалари белгиланган [3]. Шу билан бирга, GDPRни тўғридан-тўғри strict liability модели сифатида баҳолаш нотўғри. Мазкур нормага кўра, контроллер ёки процессор зарар келтирган воқеа учун ҳеч қандай тарзда жавобгар эмаслигини исботласа, жавобгарликдан озод қилиниши мумкин [3]. Европа Иттифоқи Суди ҳам Article 82 қатъий жавобгарлик тизимини ўрнатмаслигини таъкидлаган [4].

Бироқ GDPR моделида жабрланувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим қафолатлари мавжуд. Хусусан, компенсация моддий ва номоддий зарарни қамраб олади, бир нечта контроллер ёки процессор иштирок этган ҳолларда эса жабрланувчининг самарали компенсация олишини таъминлашга қаратилган қоидалар мавжуд [3]. Ўзбекистон қонунчилигини такомиллаштиришда ушбу тажрибадан тўғридан-тўғри нусха кўчириш эмас, балки

оператор ва жабрланувчи ўртасидаги ахборот номуносаббалигини ҳисобга олган ҳолда мослаштирилган механизмни яратиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар тизими мавжуд бўлса-да (57-боб), шахсга доир маълумотларнинг кибермаконда сиздирилиши натижасида етказилган зарарни қоплашнинг махсус механизмини белгилаш мақсадга мувофиқ. Амалдаги Фуқаролик кодексида ошқоча хавф манбаи томонидан етказилган зарар учун айбдан қатъи назар жавобгарликка яқин бўлган алоҳида режим мавжуд [6]. Ушбу ҳуқуқий ёндашув рақамли инфратузилмалар билан боғлиқ юқори хавфли фаолият учун махсус жавобгарлик моделини ишлаб чиқишда муайян назарий асос бўлиши мумкин.

Шундан келиб чиқиб, Фуқаролик кодексининг зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларига қуйидаги мазмунда махсус норма киритиш таклиф этилади:

«992¹-модда. Шахсга доир маълумотларнинг ахборот тизимларида сиздирилиши натижасида етказилган зарар учун жавобгарлик

Шахсга доир маълумотларнинг оператори ахборот тизимида сақланаётган ёки қайта ишланаётган шахсга доир маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун қонунчиликда белгиланган таъминлаш ва техник чораларни кўриши шарт.

Операторнинг мазкур мажбуриятларни бузиши натижасида шахсга доир маълумотларнинг йўқолиши, ошқоч бўлиши, тарқалиши, руҳсатсиз фойдаланилиши ёки учинчи шахслар томонидан қўлга киритилиши натижасида етказилган мулкӣ зарар ушбу моддада белгиланган тартибда қопланади.

Оператор шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш учун қонунчиликда назарда тутилган зарур ва етарли таъминлаш ҳамда техник чораларни кўрганлигини исботлай олмаса, зарарни қоплашдан озод қилинмайди.

Агар шахсга доир маълумотларни сиздирилиши натижасида шахсий ҳаёт дахлсизлиги, шахснинг шахсий номулкий ҳуқуқлари ёки қонуний манфаатларига дахл қилинганлиги оқибатида маънавий зарар етказилган бўлса, у Фуқаролик кодексининг маънавий зарарни қоплашга оид қоидаларига мувофиқ қопланади.

Шахсга доир маълумотларни қайта ишлашда бир нечта оператор ёки процессор иштирок этган тақдирда, уларнинг ҳар бирининг зарар етказилишидаги иштироки ва жавобгарлик даражаси ҳисобга олинади. Агар уларнинг қайси бири томонидан зарар келтирилганини аниқлаш имкони бўлмаса, жабрланувчининг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш мақсадида қонунчиликда белгиланган ҳолларда солидар жавобгарлик қўлланилиши мумкин».

Мазкур таклифнинг устувор жиҳати шундан иборатки, у операторни ҳар қандай киберҳодиса учун автоматик равишда жавобгар қилмайди. Аксинча, операторга ўзининг қонунчиликда белгиланган хавфсизлик мажбуриятларини лозим даражада

базарганлигини исботлаш имкониятини сақлаб қолади ва шу билан бирга жабрланувчининг операторнинг ички техник фаолиятини мустақил равишда тадқиқ қилиш заруратини камайтиради.

Кибермаконда шахсга доир маълумотларнинг сиздирилиши натижасида етказилган зарар учун операторларнинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги аъёнавий деликт жавобгарлиги қоидаларини рақамли муҳитнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштиришни талаб этади.

Тадқиқот натижаларига кўра, биринчидан, операторнинг шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича зарур ташкилий ва техник чораларни кўрмаслиги, маълум бўлган хавфсизлик камчиликларини бартараф этмаслиги ёки ахборот тизимларини лозим даражада муҳофаза қилмаслиги муайян ҳолатларда ғайриқонуний ҳаракатсизлик сифатида баҳоланиши мумкин. Иккинчидан, маълумотлар сиздирилиши натижасида келиб чиқадиган зарар фақат моддий йўқотишлар билан чекланмайди. Шахсий ҳаёт дахлсизлиги ва бошқа шахсий номулкӣ ҳуқуқларнинг бузилиши маънавий зарарни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Бироқ бундай зарарни аниқлашда сиздирилиш факти билан бир қаторда унинг шахс учун юзага келтирган реал салбий оқибатлари ҳам баҳоланиши лозим. Учинчидан, киберделиктларда сабабий боғланишни аниқлаш мураккаб характерга эга. Маълумотларнинг сиздирилиши, учинчи шахсларнинг уларни қўлга киритиши ва кейинчалик маълумотлардан фойдаланиб зарар етказилиши ўртасидаги сабабий занжир суд томонидан комплекс равишда баҳоланиши зарур. Тўртинчидан, операторнинг айбини исботлаш жабрланувчи учун объектив жиҳатдан қийин. Ахборот тизимларининг техник ҳолати, хавфсизлик протоколлари, ички журналлар ва бошқа муҳим далиллар операторнинг назоратида бўлгани сабабли исботлаш мажбуриятини оқилона тақсимлаш зарур. Бешинчидан, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қатъий жавобгарлик моделининг жабрланувчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан афзал жиҳатлари мавжудлигини кўрсатса-да, уни мутлақ шаклда жорий этиш ҳар қандай ҳолатда самарали натижа бермаслиги мумкин. Шу сабабли Ўзбекистон учун операторнинг хавфсизлик мажбуриятларини кучайтириш, айбини исботлашда операторнинг далил тақдим этиш мажбуриятини белгилаш ва зарарни қоплашнинг самарали механизмини яратишга асосланган махсус жавобгарлик модели мақбул ҳисобланади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шахсга доир маълумотларнинг ахборот тизимларида сиздирилиши натижасида етказилган зарар учун жавобгарликни махсус тартибга солувчи норма киритиш таклиф этилди. Мазкур норма операторнинг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги мажбуриятларини аниқлаштириш, жабрланувчининг исботлаш юқини оқилона тақсимлаш, моддий ва маънавий зарарни қоплаш механизмларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, кибермаконда шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилишнинг самарали фуқаролик-ҳуқуқий механизмини шакллантириш шахснинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклаш билан бир қаторда, маълумотлар операторларининг киберхавфсизликка нисбатан масъулиятини ошириш, рақамли хизматлардан фойдаланувчиларнинг ишончини мустаҳкамлаш ва рақамли иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади.

REFERENCES:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 июлдаги ЎПҚ-547-сон «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/4396419>
2. Jun, J., Kim, J.-Y. Strict liability versus negligence in the case of data breach // International Review of Law and Economics. – 2024. – Vol. 79. – Article 106218. DOI: 10.1016/j.irle.2024.106218. // URL: <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S014818824000383>
3. Regulation (EU) 2016/679 of the European Parliament and of the Council (General Data Protection Regulation), Article 82: Right to compensation and liability. Official Journal of the European Union. – 2016 // URL: <https://eur-lex.europa.eu/eli/reg/2016/679/oj/eng>
4. Court of Justice of the European Union. Case C-687/21, MediaMarktSaturn. Judgment of 25 January 2024; Case C-340/21, Natsionalna agentsia za prihodite. Judgment of 14 December 2023. // URL: <https://eur-lex.europa.eu/eli/reg/2016/679/oj/eng>
5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги 7-сон «Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарори // URL: <https://lex.uz/docs/1449509?ONDATE2=20.04.2021&action=compare>
6. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. 999-модда — теварак-атрофдагиларга ошқоча хавф туғдирадиган фаолият туфайли етказилган зарар учун жавобгарлик; 1021–1022-моддалар — маънавий зарарни қоплаш // URL: <https://lex.uz/docs/180552>

CIVIL LIABILITY OF OPERATORS FOR DAMAGES CAUSED BY PERSONAL DATA BREACHES

Kuldashev Nuriddin Abduganiyevich

Professor at the Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Law, Professor
Qurbonov Doniyor Davlat o'g'li
 Lecturer at the Faculty of Law, Samarkand State University named after Sh. Rashidov

ABSTRACT:

This article examines, from a civil law perspective, the issues of compensation for material and moral damages caused to an individual as a result of a personal data breach.

In determining the civil liability of operators who process personal data, the article analyzes the manifestation of the traditional elements of tort liability—unlawful action (or inaction), damages, causation, and fault—within the digital environment. Furthermore, the advantages and disadvantages of fault-based liability and strict (no-fault) liability models in cases of data breaches are considered from a comparative legal standpoint. The study substantiates the need to ease the burden of proof, given the victim's inability to independently verify the internal technical state of the operator's information system, and to establish special rules for determining the causal link between the operator's violation of information security obligations and the resulting damages. In conclusion, the article puts forward proposals for introducing a special provision into the Civil Code of the Republic of Uzbekistan regarding compensation for damages caused by personal data breaches.

KEYWORDS:

cyberspace, personal data, data breach, operator, tort obligation, civil liability, fault, causation, material damages, moral damages, strict liability.